

“O‘zenergosotish” aksiyadorlik jamiyati
Ygona aksiyadorining
2024 йил “12” феврал даги
3 -сон қарорига
3 - ИЛОВА

**“O‘ZENERGOSOTISH” AKSIYADORLIK JAMIYATI
AKSIYADORLAR UMUMIY YIFILISHI TUGRISIDA GI
HIZOM**

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА:

1	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2	АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ	4
3	АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ	5
4	АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ	6
5	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	6

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур тартиб “O‘zenergositish” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда - Жамият)нинг акциядорлар умумий йиғилишининг (Ягона акциядор) ҳуқуқий мақомини, унинг фаолият тартибини, ҳуқуқ мажбуриятларини ва қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, (бундан буён мантда - Қонун) “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, “O‘zenergositish” АЈнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-166-сон Фармониغا асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қоида тариқасида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили июн ойининг иккинчи ярмида ўтказилади. Йиллик Умумий йиғилиш қарорида амалдаги қонунчилик ва Жамият Уставида белгиланган масалалар қабул қилинади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Ижроия органи раҳбари билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегияси ва бизнес режаси ижроси юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига қуйидагилар киради:

Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бундан

мустасно;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг устав фондини камайтириш ва кўпайтириш;

ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

Жамиятнинг ижроия органини тузиш. Бунда Жамият бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида белгиланган тартибда амалга оширилади. Жамият ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;

Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш шунингдек уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалалари жамият Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори билан тасдиқлаш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва бошқалар), уларга бериладиган мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;

Аудиторлик текширувини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотини тайинлаш ва унинг хизмати учун тўланадиган пул миқдоринининг юқори чегарасини белгилаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес режасини, йиллик ҳисоботини, тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини хулосаларини эшитиш;

Акциядорлар умумий йиғилиши қабул қилиш регламентини тасдиқлаш; акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Икки ёки ундан ортиқ Кузатув кенгашининг аъзоси аффилиланган шахс бўлган тақдирда аффилиланган шахс билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада

Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулкни сотиб олиш ёки бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият бошқарув органлари фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

акциядорлик жамиятининг ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш;

акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув асосларини тартибловчи ички низомларни тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

III. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йиллик қарор қабул қилинадиган масалаларни акциядор(лар)ни ўзи ва тегишли топшириққа мувофиқ Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Дастлабки кўриб чиқиш натижаси асосида, Уставда кўзда тутилган акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йиллик қарор қабул қилиниши санасидан 30 календар кунидан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан (ёки унинг топшириғига кўра Жамият ижро органи томонидан) Акциядорлар умумий йиғилишига тегишли масалалар юзасидан қарор қабул қилиш бўйича ёзма, кўрилаётган ва қарор қабул қилинаётган масалалар рўйхатини шунингдек керакли материаллар иловаси билан ва киритилаётган масалалар бўйича Акциядорлар умумий йиғилиш қарори лойиҳасини ўз ичига олган таклифлар юборилади. Акциядорлар умумий йиғилиши талабига кўра қарор қабул қилиш учун керакли бўлган бошқа материаллар ҳам тақдим этилиши мумкин.

Кузатув кенгаши йиллик қарор қабул қилиш учун киритган масалалар билан бирга Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ўз ташаббусига кўра бошқа қарорлар ҳам қабул қилиши мумкин.

Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига тегишли масалалар юзасидан навбатдан ташқари қарорлар қабул қилиниши мумкин:

-ўз ташаббусига кўра;

-Кузатув кенгашининг таклифига кўра;

-Жамият ижро органининг таклифига кўра.

Ушбу ҳолатда қарор қабул қилинишининг ташаббускори томонидан акциядорлар умумий йиғилишига Жамият устави ва ушбу низомда белгиланган материаллар юборилади. Кўрилаётган масала юзасидан керакли материаллар тўплами олинган фурсатдан бошлаб, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан навбатдан ташқари қарор қабул қилиниши ёки асослантирилган ҳолда қайтарилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши қабул қилаётган қарор ёзма равишда икки нусхада қонунда белгиланган муддатда расмийлаштирилади ва ижро органига сақлаш учун берилади.

IV. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ

Акциядорлар умумий йиғилиши қабул қилган қарорларнинг назоратини Кузатув кенгаши амалга оширади, агар қарорда бошқаси кўзда тутилмаган бўлса.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори Жамиятнинг барча бошқарув органилари учун уларга тааллуқли қисмлар бўйича бажариш учун мажбурийдир.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Жамиятнинг ижроия органи раҳбари таклифлари бўйича киритилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари уларга зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Жамият томонидан Низомга тааллуқли ўзгартиришлар киритиладиган пайтга қадар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий (норматив) ҳужжатларига амал қилинади. Бунда мазкур Низом исталган қисмларидан бирининг ҳақиқий эмас деб топилиши умуман бутун Низомнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.